

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“Микрокредитбанк”  
акциядорлик-тижорат банки  
Акциядорларининг навбатдаги  
йиллик умумий йиғилишининг  
2023 йил “27” июндаги  
1-сонли баённомаси билан



**Йиғилиш раиси**

Ф. Нургалиев

M.Ü.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
“Бошқаруви тұғрисида”ги Низомига  
киритилген үзгартиришлар ва құшимча**

**“МАҢҚУЛЛАНГАН”**  
“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки  
Кузатув кенгashi мажлисининг  
2023 йил “15” июндаги 31-сонли баённомаси билан  
Кузатув кенгashi раиси



О. Исаков

Бошқарувининг  
2023 йил “12” июндаги 76-1-сонли қарори билан  
Бошқарув раиси



О. Бутаев

**Тошкент – 2023 йил**



**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
“Бошқаруви тўғрисида”ги Низомига  
киритилган ўзгартиришлар ва қўшимча**

**1. Низомнинг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“7. Банк Бошқарув раиси ва аъзолари Банк Кузатув кенгаши (агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки Банк Уставида кўра бундай ваколат берилган бўлса) ёки Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланадилар (тайинланадилар) ва ваколатлари муддатидан илгари тутатилади. Бунда, Банк Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинади”.

**2. Низомнинг 16-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“16. Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Банк фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини бажарилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Бунда:

мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона рафбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъқиқланади;

Банк томонидан қонунчиликка мувофиқ давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органига ахборотлар ва маълумотлар тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда бунга масъул Бошқарув аъзоси рафбатлантирилмайди”.

**3. Низомнинг 4-боби қуйидаги мазмундаги 44<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:**

“44<sup>2</sup>. Агар Банкнинг Бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Банкка зарар етказилган бўлса ва бунда Банк Бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, улар Банкнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Банкнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади”.



The image shows two handwritten signatures in blue ink placed over a circular official stamp. The stamp contains the text 'ADOLAT TAKOMI' and 'BOSHQARMASI'. The signatures appear to be those of the bank's management or legal representatives.